



**FerDU.  
ILMIY XABARLAR**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.  
ФергУ**

**Scientific journal  
of the  
Fergana State  
University**

6 / 2020

NUSXA ASHGA TO'G'RI  
*Amir* FerDU  
KADAVLATSHUN OCHSHIGI  
" 28 - 08 21 "

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади


6-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
28 08 21

<b>А. Бегимкулова</b> Таварот ва ироқликларнинг Мовароуннаҳрдан қучиши ҳамда унга таъсир қилган омиллар.....	171
<b>А. Рискүлов</b> XX асрнинг сўнги чораги ва XX аср бошларида Афғонистондаги иқтисодий вазият.....	174
<b>А. Раҳмонов</b> Таварот ва водийсининг биринчи шайбоний ҳоқими.....	179
<b>С. Шайминов, Н. Қўлдашев</b> Таваротнинг сўз қуввати.....	182
<b>В. Шаматкулова</b> "Тоғ ва Зухра" достонининг Қашқадарёга хос талқини.....	185
<b>Ш. Шаймова</b> Таваротлар билан боғлиқ шеърини санъат ва унсурлар хусусида.....	189
<b>Ш. Нурмонжонова</b> Зайноб Ганиева жасорати.....	193
<b>С. Шаҳназарова</b> Абдулла Шер ижодида Ватан манзаралари.....	196
<b>Ш. Хамидов</b> Таварот шеъринида Машраб образи талқини.....	198
<b>Г. Умримова</b> Характер руҳияти психологизми (Қўчқор Норқобил ижоди мисолида).....	201
<b>Ш. Доронина</b> XX аср адабиётинида модернистик оқимлар, футуризмнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ҳар хил турлари.....	204
<b>Э. Издулин</b> И. Бродский лирикаси турларининг хилма-хиллиги.....	207
<b>Г. Розикова, Э. Маруфова</b> Таварот тили лексикасининг шакл ва маъно жиҳатидан ўзгариши.....	210
<b>Э. Юлдашева</b> Балаларга хос оғзаки ва ёзма матнларнинг яратилишида лингвистик гештальт хусусида.....	214
<b>Н. Умарова, Х. Фаттоҳов</b> Арабча ўзлашмалар ва уларнинг Навоий асарларида қўлланиши.....	217
<b>Н. Расулова</b> Таваротий терминлар ўқув луғатини тузиш тамойиллари.....	220
<b>М. Саидова</b> К. Болдикнинг "Адабиётшунослик терминларининг қисқача изоҳли лексикон луғати"даги мураккаб таркибли адабиётшунослик терминлари таҳлили.....	223
<b>Н. Каримова</b> Тил материалларини ўрганишга ёндашувнинг долзарб масалалари.....	228
<b>З. Позилжонова</b> Маданиятлараро мулоқотда новербал мулоқот турлари.....	231
<b>Н. Турсунова</b> Сраземанинг тил бирлиги мақоми хусусида.....	235
<b>Ф. Анварова</b> Хорижий тилларнинг давлат тилида иш юритувчилар фаолиятида қўлланган ўрни.....	238
<b>Ф. Раҳматов, М. Аҳмаджонов, М. Мирзараҳимов</b> Клиент сервер технологиясига асосланган реал вақт тизимларида Firebase NoSQL базаларидан фойдаланиш.....	243
<b>ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ</b>	
<b>Халқларвар, ватанпарвар, забардаст файласуф олим (1929-2003).....</b>	<b>246</b>



УДК: 809:984.3+101.1.316

НАВОИЙНИНГ СЎЗ ҚУВВАТИ

THE WORD POWER OF NAVOI

СИЛА СЛОВА НАВОИ

С.Мўминов<sup>1</sup>, Н.Қўлдашев<sup>2</sup><sup>1</sup>С.Мўминов

– ФарДУ, филология фанлари доктори, профессор

<sup>2</sup>Н.Қўлдашев

– ФарДУ докторанти.

**Аннотация**

Мақолада бугунги кунда бутун дунё аҳолисини таҳликага солаётган касаллик балосини илжори борича осонроқ ва енгилроқ енгиб ўтиш, Ер шарни бўйича тарқалган мафкуравий бузғунчиликлардан ёшларимизни асраб қолишда Алишер Навоийнинг пурмаъно фикрларидан фойдаланиш ҳақида мулоҳаза юритилади. Муаллифлар инсон саломатлигига таъсир этувчи энг кучли воситалардан бири – бу, сўз эканлигига апрофлига тўхталадилар.

**Аннотация**

В статье обсуждается, как максимально легко преодолеть болезнь, угрожающую людям современного мира, используя афоризмы Алишера Навои для спасения нашей молодежи от идеологических разрушений, распространяющихся по всему миру. Авторы особый акцент делают на том, что слово является одним из самых мощных инструментов, способных повлиять на здоровье человека.

**Annotation**

This article discusses how to overcome the scourge of the disease, which threatens the people of the world today, as easily and lightly as possible, and the use of Alisher Navoi's ideas to save our youth from the ideological destructions that are spreading around the globe. The author goes into detail that one of the most powerful tools that can affect human health is the word.

**Таянч сўз ва иборалар:** қувваи ҳофиза, учоқ, пурҳикмат, мушарраф, сироят, набошад, пеша, доҳил меъял, Ренессанс.

**Ключевые слова и выражения:** сила памяти, самолёт, мудрость, удостоить, инфекция, «набошад», «пеша», внутренний норма, Ренессанс.

**Keywords and expressions:** power memory, plane, wisdom, musharraf, infection, naboshad, pesh, internal norm, renaissance.

Дунёда сўзнинг сеҳрли кучи билан одамни, хусусан, ёшларни тарбиялайман, ўзгартираман, унинг ҳаётига янги маъно киритаман, деб қатъий ишонган икки соҳиби қалам бўлса – бири, борди-ю, бундай ижодкор яхша-ягона бўлса – шу Алишер Навоий.

Бу буюк шоиримизнинг ёшларга алоқадор бўлмаган асари бормикан ўзи?.. [5, 2]. Ушбу мақоламизда айнан мана шу мавзу – Алишер Навоийнинг ёшларга ғойибона кўрсатиб турган беназир таъсири – сўз қуввати ҳақидаги фикрларимиз билан ўртоқлашамиз.

Ўзбекистон

Республикаси

Президентининг Олий Мажлиси қилган Мурожаатномасида 2021 йилга “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йил” деб ном берилишининг замирида жуда катта маъно мужассамдир. Чунки ёшлар эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб, уларни қўллаб-

қувватлаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш эртанги кунимиз, келажак учун қайғуриш, деганидир. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз ўз Мурожаатномасида йилга нега айнан бундай ном билан аташни таклиф қилганини таҳлил қилиб, жумладан, шундай деди: “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улғун мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитни яратишимиз керак.” [1, 2].

Демак, янги замон талаблари даражасидаги ёш кадрлар тайёрлаш, аҳоли саломатлиги учун қайғуриш – бугун ҳам қачонгидан ҳам муҳим, ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб турибди. Чунки Хитойда пайдо бўлиб, бугунги кунда бутун дунё аҳолисини таҳликага солаётган касаллик балосини илжининг борича осонроқ ва

енгилроқ энгиб ўтиш. Ер шари бўйича тарқалган мафкуравий бузгунчиликлардан ёшларимизни асраб қолиш учун айнан мана шу икки мавзу – ёшлар ва саломатлик мавзуси бугунги куннинг энг долзарб мавзулари бўлиб турибди.

Бизга куч-қувват ва далда бериб турадиган кудрат шундаки, бу долзарб мавзуларда ҳам бизнинг таянч нуқталаримиз мавжуд. Чунки биз, XXI аср Ўзбекистон аҳолиси, шундай бахтли авлодмизки, ҳаётнинг ҳамма соҳасида бизга маёқ бўладиган донишманд аждодларимиз, улардан мерос бўлиб қолган битмас-туганмас хазиналаримиз бор. Ҳамма гап шундаки, бу улкан хазинадан ҳар ким ўз қувваи ҳофизасига кўра баҳраманд бўлади. Ҳа, ҳамма гап мана шунда. Буни соддароқ қилиб шундай тушунтириш мумкин: қаршимизда ҳар турли кудратли техникалар (оддий машинадан тортиб, энг замонавий учоқларгача) турган ва улардан бемалол фойдаланиш имконияти берилган бўлса-ю, биз бошқаришни билмасак, бу имкониятдан фойдалана олмай, мўъжизалар қаршисида лол бўлиб тураверамиз. Буюк Тангри томонидан инсониятга тухфа этилган ҳазрат Мир Алишер Навоидан қолган меросни ҳам айнан мана шундай улкан уммонга, беқиёс хазинага, чексиз имкониятга қиёслаш мумкин. Аммо ҳассос адибимиз Абдулла Қаҳҳор томонидан нуқтаи назар ҳақида рамзли қилиб айтилган қуйидаги пурҳикмат фикрларни айнан Навоий уммонидан фойдаланиш масаласига ҳам айтиш мумкин: “Бухорои шарифнинг ҳар бир гишти илм, ҳар бир тоши ҳикмат. Аммо хазинага кирган мушук зарга қарамайди – сичқон овлайди...”, “Товуқнинг тушига дон киради...” [2,45].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарорини айнан мана шу ғафлатдан уйғонишга, ўзликни англашга, маърифатга даъват деб қабул қилдик.

“Илм олиш – бешикдан то қабргача” дейилганидек, ҳар куни, ҳар соат муттасил изланмасак, ўқимасак ҳаётдан, замондошларимдан орқада қолиб кетаётандай бўламиз. Биз ўқийдиган, даярли ҳар куни қўлимизга олишимиз керак бўлган китобларнинг олдинги сафида Алишер Навоий асарлари туриши лозим.

Алишер Навоийнинг 2006 йили Тошентдаги “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти томонидан нашр этилган “Ҳикматлар” китоби саҳифаларини бир-бир варақлаймиз:

*Киши айбинг деса, дам урмағилким, ул эрур кўзгу,*

*Чу кўзгу тийра бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму?*

“Ҳикматлар” китобининг 83-саҳифасидан ўрин олган бу байтнинг тагига шундай изоҳ бериб қўйилган: “Айбингни кўрсатувчи кишига дам урма (қаттиқ гапирма), чунки ул ойнадир. Ойна дам уриш билан хиралангач, бошқа айбингни кўрсатолмайдиган бўлиб қолади.” [3, 83]. Буни янаям соддароқ қилиб камчилигингни юзингга айтган одамга гап қайтарма, чунки у кўзгуга ўхшайди. Сўзига қулоқ солмасанг, камчилигингни бошқа айтмай қўяди, дейиш мумкин.

Китобда ёшлик ва саломатлик ҳақида ҳам бир талай ибратли ҳикматлар берилган. Ёшликни қадрлашнинг энг муҳим шартларидан бири – бу, вақтни беҳуда ўтказмаслик, муттасил илм олиш билан машғул бўлишлиқдир:

*Йигитликда йиғ илмнинг махзанин,*

*Қариллик чоғи харж қилғил ани.*

Яъни: Ёшлиқда илм хазинасини йиққин, қаригач сарф қилгин. [3,77].

“Ҳикматлар”да ота-онага хизмат қилишни одат этган фарзанд бу одати бидан саодатга мушарраф бўлишлиги, ким ота-онасини беҳад ҳурмат қилса, фарзандларидан ҳам шундай ҳурмат қайтишлиги алоҳида таъкидланган:

*Фарзанд ато қуллуғин чу одат қилғай,*

*Ул одат ила касби саодат қилғай.*

*Ҳар кимки, атоға кўп риоят қилғай,*

*Ўғлидин анга бу иш сироят қилғай.* [3,162].

Катталарга хизмат қилиш баробарида кичикларни ҳам эсдан чиқармаслик, яъни уларни ҳам қўллаб-қувватлаб, меҳр-шафқат кўрсатиб туриш лозимлиги ҳақида китобда шундай байт бор:

*Кимки улугроқ, анга хизмат керак,*

*Кимки кичикроқ, анга шафқат керак.*

[3, 87].

Инсон саломатлиги нималарга боғлиқлиги ҳақида ҳам Навоидан бир талай жавоблар олиш мумкин:

*Сихат ар хоҳи макун майли таом,*

*То набошад иштиҳои голибат.*

*Лек бояд даст аз ў вақте каши  
Ки ба хўрдан нафс бошад толибат.*

Яъни: Агар сиҳат тиласанг, иштаҳанг очилмай туриб, овқатга майл кўрсатма. Лекин овқатга утирганингда ҳам егинг келиб турган ҳолда, ундан қўл тортган маъқул. [3,144].

Алишер Навоийнинг фикрига қараганда, инсон саломатлигига таъсир этувчи энг кучли воситалардан бири – бу, сўздир:

*Сўздин кишига ғаму бало ҳосилидур,  
Ҳар нукта тили деса, бало дохилидур.* [3,137].

Шунинг учун гапириб фойда қилмаган киши сукут сақлагани маъқул:

*Сўз била нафъ ўлмаса эй пешаси,  
Яхши керак кўнглуда андешаси.* [3,142].

Китобни варақлаганингиз сари, сизни қийнаётган бу каби ҳар турли ҳаётий саволларга: илм ёки ёшликнинг қадрига етиш дейсизми, мол-дунё йиғиш, ҳамма нарсада меъёрни билиш, иффат ва ҳаё, ота-онанинг, саломатликнинг қадрига етиш масаласи дейсизми... бирма-бир жавоблар топаверасиз. Фақат бунинг учун сизда

Навоийни тушуниш, англаш иқтидори бўлса бас.

Муҳтарам Президентимизнинг буюк мутафаккир таваллудининг 580 йилигини кенг нишонлаш ҳақидаги тарихий қарори юртимизда ва ҳорижий мамлакатларда айнан мана шундай Навоийни англаш иқтидорини ўстириш, маърифатга даъват қилиш мақсадида чиқарилган, дейиш мумкин. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бутун мамлакатимиз “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган тарихий кунларда чиққан бу қарор ўта муҳим, ўта ҳаётий қарордир.

Замондош устоз шоиримиз Иқбол Назарийнинг ёшларимизни буюк бобокалонларимизнинг битмас-туганмас, беминнат сўз қувватидан доимий баҳраманд бўлиб туришликка даъват этувчи тўртлиги билан фикримизга хулоса ясаймиз:

*Олгин Навоийдан мадад,  
Жомийни севгил беадад,  
Сەҳри Фузулий тоабод,  
Нутқинг равон бўлсин, болам!..* [4, 92].

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси // “Фаргона ҳақиқати”. 2020 йил 30 декабрь.
2. Абдулла Қаҳҳор ҳикматлари. – Т.: Ўзбекистон, 1990.
3. Алишер Навоий. Ҳикматлар. – Т.: Шарқ, 2006.
4. Номим элимда қолди... – Т.: Наврўз, 2012.
5. Олим С. Навоий – ёшларга. – Т.: ABU MATBUOT-KONSALT, 2008.